



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 28 июнь, № 130 (7088)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадри дўстлар!

Авваламбор, сиз, азизларни, соҳа бивожига муносиб ҳисса қўшган муҳтарам фахрийларимизни 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан муборакбод этиш, барчангизга чуқур ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни билдириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Жамиятимизда демократик қадриятларни қарор топтириш, фуқароларимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, дунёда ва мамлакатимизда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, воқеа-ҳодисалар ҳақида тезкор ва ҳаққоний маълумотлар етказиш борасида сиз, матбуот аҳлининг фидокорона меҳнат қилаётганингизни халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Сизлар каби минг-минглаб олижаноб касб эгаларининг саяёҳаракатлари, истеъдод ва маҳорати билан мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари халқимиз ҳаётига, унинг қувонч ва ташвишларига тобора яқин бўлиб, Ўзбекистоннинг янги, демократик қиёфасини шакллантиришда гоят муҳим роль ўйнамоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг сони қарийб 4 баробар кўпайиб, 1500 тага етгани ушбу тармоқда ўсиш, ўзгартиш жараёнлари изчил давом этаётганидан далolat беради.

Энг муҳими, соҳа ривожига ана шундай миқдор ўзгаришлари билан бирга сифат ўзгаришлари ҳам юз бермоқда. Бунинг тасдиғини миллий медиа майдонимизда фуқаролик жамиятининг муҳим шартли бўлган нодавлат оммавий ахборот воситалари тармоғи кенгайиб, самарали фаолият кўрсатаётгани, интернет журналистикаси жадал ривожланиб бораётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Кейинги пайтда оммавий ахборот воситалари ходимларининг демократик жараёнлар, фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ўрни ва нуфузини, маҳаллий газеталар, телерадиоканалларнинг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, энг асосийси, матбуотда фикрлар, қарашлар хилма-хиллигини таъминлаш бўйича жиддий ишлар амалга оширилгани сизларга яхши маълум, албатта.

Газеталаримиз, телерадиоканалларимизда ошқоралик, таҳлил ва ҳолис танқид руҳи кучайгани, бевосита хорижий мамлакатлардан тайёрланаётган материаллар сони ортиб бораётганини биз ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.

Бугун биз дунёдаги узок-яқин давлатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаб, юртимиздаги демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришга интилар эканмиз, бошқа соҳалар қатори оммавий ахборот воситалари фаолияти бўйича ҳам ҳали кўп иш

қилишимиз кераклигини яхши тушунамиз. **Оммавий ахборот воситалари сўзда эмас, амалда “тўртинчи ҳокимият” даражасига кўтарилиши зарур.** Бу — замон талаби, ислохотларимиз талаби.

Биринчи навбатда, медиа тармоқлари фаолияти самарасини ошириш, уларни халқ билан мулоқотнинг ишончли воситасига айлантириш, замонавий ахборот хизматлари бозорини, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш сингари долзарб масалалар доимий эътиборимиз марказида бўлиши керак.

Шу мақсадда парламентимиз томонидан амалдаги қонун ҳужжатларига ахборот соҳасини янада демократлаштириш ва ривожлантиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича фаол иш олиб борилаётгани, айниқса, эътиборлидир.

Бу борада Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг моддий-техника базасини яхшилаш, қалам ҳақи миқдорини ошириш, ижодий жамоалар билан йирик компаниялар ва ҳўжалик бирлашмалари, банклар ўртасида “дўстлар клублари”ни ташкил этишга қаратилган амалий ишларимизни таъкидлаш лозим.

Оммавий ахборот воситалари учун замонавий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида яқинда катта умидлар билан Ўзбекистон журналистика

ва оммавий коммуникациялар университетини ташкил этганимиздан хабарингиз бор.

Ушбу олий таълим маскани соҳада эришилган ютуқларни ҳар томонлама ўрганиш, журналистика фани, унинг илмий-назарий асосларини, замонавий медиатеологияларни чуқур ўзлаштириш, халқаро стандартлар даражасидаги юқори малакали кадрлар тайёрлаш имконини беради.

Ҳеч шубҳасиз, оммавий ахборот воситалари соҳасида амалга оширилаётган ана шундай ишларнинг барчаси Ўзбекистон журналистикасининг жаҳон ахборот майдонида муносиб ўрин эгаллаши учун мустаҳкам пойдевор яратди.

Хурматли оммавий ахборот воситалари ходимлари!

Ҳозирги вақтда ҳаётимизда амалга оширилаётган модернизация ва янгилашни жараёнларининг туб моҳиятини халқимизга етказиш, одамларни янги марралар сари сафарбар этиш, олдимизга қўйган вазифаларни сифатли амалга оширишда сизларнинг таъсирчан сўзингиз, фаол гражданлик позициянгиз сув билан ҳаводек зарур.

Ҳақиқатан ҳам, ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам адолат тамойилига, ўзининг ҳаётий ва ижодий принципларига содиқ қолмиш, одамларни қийнаётган камчилик ва муаммоларни дадиллик билан кўтариб чиқиш, уларни бартараф этиш учун жамоатчилик

фикрини шакллантиришга, аввало, сизлар каби маънавий жасорат эгаларингиз қодир бўлади.

Биз жамиятимизда ошқоралик, адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда, ҳуқуқий демократик давлат асосларини мустаҳкамлашда сизларга, сизларнинг билим ва истеъдодингизга таянамиз.

Айниқса, ҳаёт ва касб тажрибангизни ёшларга ўргатиш, уларни замонавий фикрлайдиган, Ватан ва халқ манфаатини муқаддас деб биладиган, соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашда кўпчилиқка ўрнак ва намуна бўласизлар, деб ишонаман.

Ўз-ўзидан равшанки, мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимларининг иш ва турмуш шароитларини яхшилаш, уларнинг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини муносиб баҳолаш ва рағбатлантириш, соҳа ривожига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш бундан буён ҳам биз учун устувор вазифа бўлиб қолади.

Азиз ва муҳтарам дўстлар!

Сизларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан яна бир бор санимий табриклайман.

Барчангизга сихат-саломатлик, эзгу фаолиятингизда ютуқ ва омадлар, оилавий бахт, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ «YOSHLAR – KELAJAGIMIZ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг муносиб келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига ола биладиган баркамол, мақсадга интилувчан ва серғайрат ёшларни тарбиялаш мамлакатни барқарор ва илдан ривожлантиришнинг энг муҳим шартидир.

Сўнгги йилларда ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини намоеён қилиш, уларнинг фуқаролик жавобгарлигини ва олиб борилаётган ислохотларга дахлдорлигини ошириш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, жойларда ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишга, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилишга, ёш тадбиркорларнинг истиқболли қоялар ва лойиҳаларини рўёбга чиқаришга, шунингдек, шу асосда ёшлар бандлигини таъминлашга тўқсизлик қилаётган тизимли муаммолар ҳанузгача сақланиб қолмоқда.

Хусусан, ёшлар тадбиркорлигини комплекс ривожлантириш ва ёшларни тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишга фаол жалб қилиш бўйича жойларда мақсадли дастурлар амалга оширилмаётган ҳама зарур инфратузилма яратилмаган, бу эса янги иш ўринлари яратишнинг энг муҳим шартли ҳисобланади.

Жойларда давлат органлари ва ташкилотларининг мансабдор шахслари ёшларнинг тадбиркорлик саводқонлигини оширишга, уларга бизнес ташкил этиш ва юритиш кўникмаларини сингдиришга ҳали ҳам бефарқ ва бепарво муносабатда бўлмоқда.

Ёшлар тадбиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшларни бизнес билан шугулланишга фаол жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратиш, иш ўринлари яратиш ва ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг вазифаларига мувофиқ:

1. Ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, қоялари ва лойиҳаларини рўёбга чиқаришга қўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш, банд бўлмаган ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликлар ва бизнес юритиш кўникмаларига ўқитиш, шунингдек, умуман ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш орқали уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган **“Yoshlar — kelaajagimiz” Давлат дастурини** Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманида ва Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида амалга ошириш бошланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2018 йил 1 июлдан бошлаб республиканинг барча туман (шаҳар)ларида **“Yoshlar — kelaajagimiz”** Давлат дастури (кейинги ўринларда Давлат дастури деб юритилади) амалга оширилсин.

Давлат дастури доирасида қуйидагилар амалга оширилиши белгилансин:

а) Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузурида **“Yoshlar — kelaajagimiz” жамғармасини** (кейинги ўринларда — Жамғарма), шунингдек, **унинг туман ва шаҳар филиалларини** ташкил этиш, Жамғарманинг маблағларидан Давлат дастуридаги тадбирларни молиялаштириш, жумладан, қуйидагиларни амалга ошириш учун фойдаланиш: ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, қоялари ва лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банклари орқали **йиллик 7 фоиз ставка билан имтиёзли кредит ва мол-мулкни лизингга** бериш;

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда демократик қадриятлар, сўз ва матбуот эркинлигини ривожлантириш, халқимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, аҳолига ҳолис ва ҳаққоний ахборот етказиш, барча соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, модернизация жараёнларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол қояларига садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги муносиб хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвон ва орденлар билан тақдирлансин:

“Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби”

Рашидов Асил — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таржимон, публицист

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист”

Жалилов Норқобил Қодирович — “XXI аср” газетаси бош муҳаррири

Маҳмудов Фарҳоджон Шавкатович — Ўзбекистон Миллий телерадиоккомпанияси “O‘zbekiston 24” телеканали бош муҳаррири

Эътироф

АДОЛАТ ТАМОЙИЛИ — ОЛИЙ МЕЗОН

Ўзбек Миллий академик драма театрида 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенати аъзолари, вазирлик ва идоралар, жамоат вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, ноширлар, матбаачилар, фахрий журналистлар, олий ўқув юртлари журналистика факультетларининг профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари қатнашди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригини Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди.

Бу йил илк бора миллий журналистика соҳасини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган, мамлакат



ҳамда жамият тараққиёти йўлида ижодий фаолият олиб бораётган бир гуруҳ ОАВ ходимлари тақдирланди. Уларни Ватани-

мизнинг юксак унвони, орден ва медаллари билан мукофотлаш ҳақидаги Президент Фармони ўқиб эшиттирилди.

Таъкидлаш лозимки, мустақилликдан аввал мамлакатимизда 395 та ОАВ бор эди.

(Давоми 4-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОНДА ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШINI ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛАБ-ҚУВВATЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2017 йил 9 июнда Остона шаҳрида ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгаши ййгилишида Ўзбекистон Республикаси томонидан илгари сурилган ташаббуслар ва тақлифларни амалга ошириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси вазифаларини муваффақиятли амалга оширишда халқ дипломатияси механизmlapидан ҳар томонлама фойдаланиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстона алоқалар қўмитаси (кейинги ўринларда — Қўмита), Ташқи ишлар вазирлиги, Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Фанлар академияси, Бадий академия, Ёшлар иттифоқи, Журналистлар ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмасининг улар муассислигида нодавлат нотижорат ташкилот кўрнишидаги муассаса шаклида Ўзбекистонда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Халқ дипломатияси марказини (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин, қуйидагилар Марказ фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

(Давоми 3-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОИЛА ИНСТИТУТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ КОНЦЕПЦИЯСINI ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистонда оилани ривожлантиришга глобал даражада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор тараққиёт мақсадлари доирасида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида қаралади.

Шу билан бирга, ушбу соҳада давлат сиёсатини муваффақиятли олиб боришни тўхтатиб турувчи бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги ислохотларни тўлиқ рўёбга чиқаришга ва белгиланган мақсадларга эришишга тўсқинлик қилмоқда. Чунончи:

(Давоми 3-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҶА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

“Дўстлик” ордени билан

Абдижамилова Умит Сапарбаевна — “Қорақалпоғистон” телеканали Ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий дастурлар бош муҳарририяти катта муҳаррири

Азимов Алишер Тўхтасинович — “Daryo.uz” веб-сайти бош муҳаррири

Бадалов Алишер Норматович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси диктори

Гуломов Шамшодбек Ҳамидович — Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқа-руви раиси ўринбосари — бош директор

Лешинская Татьяна Владиславовна — “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси қирқув дастгоҳлари машинисти

Махмудова Гўзал Қорабоевна — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Таржима таҳририяти етакчи таржимони

Муҳаммадхонов Нодирхон Баҳодирович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston 24” телеканали диктори

Нурметова Зулайха — Эллиқалъа тумани “Давр кўзгуси” газетаси бош муҳаррири, Қорақалпоғистон Республикаси

Ҳосилова Маруса Атоқуловна — “Табиат ва ҳаёт” газетаси муҳаррири, Навоий вилояти

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-сиёсий ислохотлар, янгиланиш ва инновация жараёнларидаги фаол иштироки, кўп йиллик самарали меҳнати, ёш авлодни она юртимизга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйдагилар мукофотлансин:

“Шухрат” медали билан

Баграмов Станислав Владимирович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston 24” телеканали шарҳловчиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«YOSHLAR — KELAJAGIMIZ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлат дастури доирасида олинадиган кредитлар бўйича кредит ҳажмининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда **кафилликлар бериш**;

Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган **тадбиркорлик лойиҳаларида** улар қийматининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда **иштирок этиш**, кейинчалик Жамғарма улушини 5 йил давомида реализация қилиш;

тегишли кўникмаларга эга банд бўлмаган ёшлар яшайдиган уй ўҳжаликлари учун **20 тагача парранда ва кўён боласи, 5 та майда ва 2 та ийрик қорамол сотиб олиш**, уларнинг қийматини келишилган муддатларда қайтарган ҳолда уларни боқиш ва кейинчалик реализация қилишда кўмаклашиш;

б) ёшларнинг қайта тайёрланиши ва малака оширишини ташкил этиш, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш, шунингдек, уларга бизнес юритиш кўникмаларини сингдириш;

в) **давлат-хусусий шериклик шартларида:** ёш тадбиркорларга имтиёзли шартларда бинолар, офис техникаси ва сарфлаш материалларини ижарага бериш, уларни интернет билан ташминлаш, шунингдек, ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, гоьлари ва лойиҳаларини амалга оширишга бошқача кўмак бериш, жумладан, бизнес режалар ишлаб чиқиш, маслаҳат, юридик, бухгалтерия ва бошқа хизмат турларини кўрсатиш, форумлар, мастер-класслар ва семинарлар ташкил этиш учун **“Yosh tadbirkorlar” коворкинг-марказларини**;

савдо-маиший ва кичик ишлаб чиқариш майдонларини ташкил этиш учун меҳнат кучи ҳаддан зиёд бўлган туманларда **“Yoshlar mehnat guzari” комплексларини қуриш**.

3. “Yosh tadbirkorlar” коворкинг-марказлари ва “Yoshlar mehnat guzari” комплексларини қуриш **давлат-хусусий шерикликининг қуйдаги шартларида** амалга оширилиши белгилаб қўйилсин:

а) туман (шаҳар)лар ҳокимликлари: “Yosh tadbirkorlar” коворкинг-марказлари ва “Yoshlar mehnat guzari” комплексларини, шунингдек, бошқа объектларни қуриш (жойлаштириш) учун хусусий инвесторларга, истисно тариқасида, тўғридан-тўғри музокаралар орқали ер участка (бўш бино)ларни доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратади;

“Yosh tadbirkorlar” коворкинг-марказлари ва “Yoshlar mehnat guzari” комплексларини муҳандислик коммуниқацияларга, жумладан, электр, газ ва сув таъминоти тармоқларига олиб боришни ва улашни туман (шаҳар)лар бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан ташминлайди;

б) Жамғарма “Yosh tadbirkorlar” коворкинг-марказлари ва “Yoshlar mehnat guzari” комплекслари қурилиши қийматининг 30 фоизгача бўлган қисмини молиялаштиришда мазкур маблагларни уларнинг устав жамғармаси (капитали)га кейинчалик капиталлаштирган ҳолда иштирок этишга ҳақли;

в) хусусий инвесторлар қуйдаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

“Yosh tadbirkorlar” коворкинг-марказлари ва “Yoshlar mehnat guzari” комплекслари қурилиши қийматининг камида 70 фоизини молиялаштириш, уларнинг келишилган муддатларда ва намунавий лойиҳаларга мувофиқ қурилиши ва фойдаланишга топширилишини таъминлашни;

Давлат дастури иштирокчиси бўлган ёш тадбиркорларга “Yosh tadbirkorlar” коворкинг-марказлари ва “Yoshlar mehnat guzari” комплексларида жой бериш, уларга мақбул нархларда хизматлар кўрсатиш, шунингдек, уларда иш ўринлари умумий сонининг камида 70 фоизи миқдорида банд бўлмаган ёшларни ишга қабул қилиш шарти билан мустакил равишда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишни;

Жамғарманинг туман ва шаҳар филиалларини жойлаштириш учун “Yosh tadbirkorlar” коворкинг-марказларидаги хоналари бепул тақдим этишни;

г) “Yosh tadbirkorlar” коворкинг-марказлари ва “Yoshlar mehnat guzari” комплексларини саклаб туриш хусусий инвесторларнинг маблагi ҳисобидан амалга оширилади;

д) “Yosh tadbirkorlar” коворкинг-марказлари ва “Yoshlar mehnat guzari” комплексларини қуришга йўналтириладиган маблаглар хусусий инвесторларнинг солиқ солинадиган базасидан чегириб ташланади.

Белгилансинки, Давлат дастурининг амал қилиши ёшлар тадбиркорлиги субъектларига, 50 фоиз ва ундан кўпроқ муассислари ёшлардан иборат бўлган тадбиркорлик субъектларига, шунингдек, яратиладиган иш ўринларининг 70 фоизидан кам бўлмаган қисмини 5 йил давомида ёшларни иш билан таъминлаш учун тақдим этиш мажбуриятини ўз зиммасига оладиган тадбиркорлик субъектларига, жумладан, хорижий инвесторларга таъбиқ этилади.

4. Қуйидагилар 2018 йилда Жамғарма маблагларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:
даромадларнинг прогноз қилинган қисмини ошириб бажариш ҳисобига республика бюджетидан 2018 йил

июлда, 1 октябргача ва 1 декабргача тенг улушларда ажратиладиган 500 миллиард сўм миқдоридаги бегараз молиявий ёрдам;

хар чоракда Жамғармага ўтказиладиган, вазирлик, давлат кўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига тушадиган йиллик тушумларнинг 1 фоизи миқдоридаги ажратмалар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сонли Фармони 13-бандига мувофиқ Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармасига ҳар ойда тушадиган маблағларнинг 10 фоизи;

маҳаллий, хорижий ва халқаро ташкилотларнинг грантлари;

хайрия қилувчилар — жисмоний ва юридик шахслар, Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларининг маблағлари;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблагларини тижорат банкларига жойлаштиришдан олинадиган даромадлар; қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Жамғармага ижро этувчи директор — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари раҳбарлик қилади;

Жамғарманинг туман ва шаҳар филиалларига Жамғарманинг ижро этувчи директори томонидан тайинланадиган тегишли туманлар ва шаҳарларнинг муваффақиятга эришган ёш тадбиркорлари раҳбарлик қилади;

инвестициявий ва ижтимоий комплексларнинг республика ва худудий органлари, шунингдек, молиялаштирувчи тижорат банклари ходимларининг 30 фоизгача бўлган қисми асосий иш жойи бўйича лавозими ва иш ҳақи саклаб қолинган ҳолда Жамғармага, унинг туман ва шаҳар филиалларига бириктирилади.

8. Қуйидагилар:

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузуридаги “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармасининг тузилмаси ҳамда Жамғарма туман ва шаҳар филиалларининг намунавий тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш республика комиссияси таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

9. Туманлар ва шаҳарларда ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ҳокимлар ўринбосари бошчилигида ҳамда ёшлар масалалари бўйича ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиқлари ўринбосарлари, Ўзбекистон ёшлар иттифокининг туман ва шаҳарлар кенгашлари раислари, шунингдек, Тадбиркорликка кўмаклашиш маркази бўлинмалари раҳбарларидан иборат **ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш комиссиялари** (кейинги ўринларда Комиссиялар деб юритилади) тузилсин.

Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

инвестициявий ва ижтимоий комплекслар худудий органларининг, шунингдек, молиялаштирувчи тижорат банкларининг бириктирилган ходимлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишни хоҳлайдиган банд бўлмаган аҳолини аниқлаш, туманларни (шаҳарларни) аниқлаш ҳамда уларнинг ёшлар паспортларини шакллантириш мақсадида уйма-уй юриш ва аҳоли билан учрашувлар ташкил этиш;

инвестициявий ва ижтимоий комплекслар худудий органларининг, шунингдек, молиялаштирувчи тижорат банкларининг бириктирилган ходимларини жалб қилган ҳолда ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, гоь ва лойиҳаларини ишлаб чиқишда, зарур ҳужжатлар ва материалларни тайёрлашда ҳамда расмийлаштиришда кўмаклашиш;

ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, гоьлари ва лойиҳаларини амалга оширишда кўмаклашиш учун талабномаларини, шунингдек, Давлат дастури доирасидаги бошқа мурожаатларини “бир дарча” тамойили бўйича қўриб чиқилишини таъминлаш;

инвестициявий ва ижтимоий комплекслар худудий органларининг, шунингдек, молиялаштирувчи тижорат банкларининг бириктирилган ходимларини жалб қилган ҳолда ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, гоьлари ва лойиҳаларини амалга ошириш мониторингини ўтказиш, келиб чиққан муаммоларни ҳал қилиш;

тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва юритиш масалалари бўйича ёшлар орасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш.

10. **“Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури доирасида республиканинг туман ва шаҳарларида амалга ошириладиган тадбирларни 2018 йилда молиялаштириш параметрлари** 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури доирасида республиканинг туман ва шаҳарларида амалга ошириладиган тадбирларни кейинги йилларда молиялаштириш параметрлари Жамғарма маблагларини

Ёмгурова Гулжаҳон Эгамовна — Бўка тумани “Халқ овози” газетаси бош муҳаррири, Тошкент вилояти

Жўраева Барчиной Мусалламовна — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телеканали Маданий-маърифий ва бадий дам олиш дастурлари бош муҳаррири-яти бош муҳаррири ўринбосари

Жўраев Носиржон Жамолиддинович — Ўзбекистон Ёзувчилар уюмаси аъзоси, шоир

Мусаев Жанибек Жамбулович — “UzReport” ахборот агентлигининг “UzReport.news” веб-сайти муҳаррири

Очилов Ахрор Шуқуруллаевич — “Ватанпарвар” газетаси бўлим мудири

Самадов Гуломжон Хурсандович — “Халқаро Пресс-клуб” нодавлат-нотижорат ташкилоти бош продюсери

Сулаймонов Асролжон Ғафурович — “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси масъул котиби

Тожиалиев Давронбек Рустамович — “ziyouz.uz” веб-сайти бош муҳаррири

Тўйчиева Доно Оқиловна — Ғафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи корректори

Турсунов Зафар Рихсибоевич — “Radio Poytaxt” масъуляти чекланган жамияти бош муҳаррири

Умарова Наргиза Баҳодировна — “Ёшлар овози” газетаси бош муҳаррири ўринбосари

Шаропов Абдуллажон Турғунович — “Akademnashr NMM” нашриёти бош муҳаррири

Эрматов Азизжон Ғаниевич — Учкўприк тумани “Янги Фарғона” газетаси муҳаррири, Фарғона вилояти

Юнусов Баҳодир Махсустович — Ўзбекистон Республи-каси Бош прокуратураси ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази бош муҳаррири

Ҳасанов Ғолиб Матлабович — “Зарафшон” — “Самарқандский вестник” газеталари бош муҳаррири ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
	
Тошкент шаҳри, 2018 йил 27 июнь	
	
Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
	
Тошкент шаҳри, 2018 йил 27 июнь	
	

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
	
Тошкент шаҳри, 2018 йил 27 июнь	
	

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
	
Тошкент шаҳри, 2018 йил 27 июнь	
	

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
	
Тошкент шаҳри, 2018 йил 27 июнь	
	

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
	
Тошкент шаҳри, 2018 йил 27 июнь	
	

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
	
Тошкент шаҳри, 2018 йил 27 июнь	
	

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
	
Тошкент шаҳри, 2018 йил 27 июнь	
	

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
	
Тошкент шаҳри, 2018 йил 27 июнь	
	

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
	
Тошкент шаҳри, 2018 йил 27 июнь	
	

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
	
Тошкент шаҳри, 2018 йил 27 июнь	
	

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
	
Тошкент шаҳри, 2018 йил 27 июнь	
	

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
	
Тошкент шаҳри, 2018 йил 27 июнь	
	

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
	
Тошкент шаҳри, 2018 йил 27 июнь	
	

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
	
Тошкент шаҳри, 2018 йил 27 июнь	
	

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
	
Тошкент шаҳри, 2018 йил 27 июнь	
	

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
	
Тошкент шаҳри, 2018 йил 27 июнь	
	

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
	
Тошкент шаҳри, 2018 йил 27 июнь	
	

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
	
Тошкент шаҳри, 2018 йил 27 июнь	
	

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
	
Тошкент шаҳри, 2018 йил 27 июнь	
	

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
	
Тошкент шаҳри, 2018 йил 27 июнь	
	

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
	
Тошкент шаҳри, 2018 йил 27 июнь	
	

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
	
Тошкент шаҳри, 2018 йил 27 июнь	
	

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
	
Тошкент шаҳри, 2018 йил 27 июнь	
	

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
	
Тошкент шаҳри, 2018 йил 27 июнь	
	

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
	
Тошкент шаҳри, 2018 йил 27 июнь	
	

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
	
Тошкент шаҳри, 2018 йил 27 июнь	
	

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
	
Тошкент шаҳри, 2018 йил 27 июнь	
	

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
	
Тошкент шаҳри, 2018 йил 27 июнь	
	

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
	
Тошкент шаҳри, 2018 йил 27 июнь	

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОНДА ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ
ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШНИ ДАВЛАТ
ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

ШХТ мамлакатлари ўртасида ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликни, миллатлараро ва динлараро тотувликни мустаҳкамлашга, цивилизациялараро мулоқотни кучайтиришга кўмаклашиш;

ШХТ мамлакатлари билан маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтиришда, делегацияларнинг ўзаро таширфларини уюштиришда иштирок этиш;

ШХТ мамлакатларининг фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотлари ўртасида дўстона ҳамкорлик муҳитини қарор топтириш учун шарт-шароитлар яратиш;

ШХТ мамлакатлари ўртасида ахборот соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, ахборот ресурсларини шакллантириш ҳамда ШХТнинг мақсадлари, вазифалари, фаолиятининг устувор йўналишлари ва асосий принципларини кенг тушунтириш мақсадида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш, ШХТ мамлакатларининг маданий-гуманитар соҳада эришган ютуқлари тўғрисида ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлаш ва уларни мунтазам чоп этиб бориш;

ШХТ мамлакатлари ва уларнинг халқларини бир-бирига яқинлаштириш, ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик руҳини мустаҳкамлаш мақсадида халқ дипломатияси воситаларидан фойдаланиш.

2. Маълумот учун қабул қилинсинки, қуйидагилар Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

давлат субсидиялари, ижтимоий буюртмалар ва ижтимоий шериклик доирасида ажратиладиган грантлар; техникавий кўмаклашиш воситалари, халқро ва хорижий ҳукумат, ноҳукумат ташкилотлари, тижорат банклари ҳамда бошқа ташкилотларнинг Марказ фаолиятини қўлаб-қувватлашга ажратадиган грантлари; юридик ва жисмоний шахсларнинг хайрия эҳсонлари; қонунчиликда тақкиланмаган бошқа манбалар.

3. Марказга:

ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш доирасида вазирлиқлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотларидан зарур статистик ва таҳлилий ахборотни талаб қилиш ва бепул олиш;

илмий, маданий, маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиш учун давлат мулки бўлмиш мажлислар зали ва концерт залларидан (ана шу заллар ўз тасарруфида бўлган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОИЛА ИНСТИТУТИНИ
МУСТАҲКАМЛАШ КОНЦЕПЦИЯСINI ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

биринчидан, тегishi идора ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда мониторинг қилишнинг таъсирчан тизими мавжуд эмас, оилани ривожлантириш масалалари бўйича давлат, фуқаролик жамияти институтлари ва хусусий сектор ҳамкорлиги паст даражада;

иккинчидан, оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги илмий тадқиқотлар ихтисослиги тор, ҳозирги ҳаёт воқеалигидан узилиб қолган, илмий тадқиқотлар натижалари амалиётга суст жорий этилмоқда;

учинчидан, оиланинг демографик ривожланишида ўзгаришлар юз бермоқда, оила ажралишлари сони ўсмоқда, мазкур соҳада салбий тенденциялар ва муаммолар сабабларини асословчи тадқиқотлар етишмаяпти;

тўртинчидан, оилада, таълим муассасаларида маданий-тарихий мерос салохиятидан суст фойдаланилмоқда, миллий менталитетимизга ёт бўлган гоё ва қарашлар таъсирининг олдини олиш борасидаги ишлар самарасиз;

бешинчидан, оила институтини мустаҳкамлашнинг қонунчилик асослари мукамал эмас, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва илгор хориж амалиётини ўрганиш асосида оилани ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш соҳасида мустаҳкам ҳуқуқий асос мавжуд эмас;

олтинчидан, мутахассислар етишмайди ва кадрлар малакаси паст даражада, таълим тизимида мутахассисларга бўлган эҳтиёжни прогнозлаштириш механизми йўлга қўйилмаган, оила институтини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича ўқув дастурлари мукамал эмас.

Оила институтини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, бу жараёнда давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг яқин ҳамкорлигини ҳамда фаол ролини таъминлаш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўлаб-қуватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармонига мувофиқ;

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига биноан оила жамиятнинг асосий бўғини ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасида оила

субъектлар билан келишилган жадвал бўйича) бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилсин.

4. Қўмита:

Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Марказ фаолиятини моддий-техник ва ахборот жиҳатдан таъминлаш, шунингдек, Марказ тадбирларида иштирок этиш учун хорижий экспертларни тақлиф қилиш мақсадида техникавий кўмаклашиш воситаларини ва грантларни жалб этиш масалаларини ШХТ ҳамда бошқа халқро ва хорижий ташкилотлар билан пухта ишлаб ққишда Марказга ёрдам кўрсатсин;

Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Миллий телерадиокомпания билан биргаликда ШХТ мамлакатлари ўртасида маданий-гуманитар, спорт ҳамда бошқа алоқаларни йўлга қўйиш ва ривожлантиришда маданият, спорт, туризм ва ОАВ соҳасидаги тадбирларни ташкил қилишда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Миллий телерадиокомпания Марказга ёрдам берсин.

5. Марказга икки ой муддатда Марказ фаолиятини ташкил этиш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб ққиш ва тасдиқлаш тавсия этилсин.

6. Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Миллий телерадиокомпания, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мажлислар зали ва бошқа мулкдан вақтинча фойдаланиш учун уларни бепул тақдим этиш орқали маданий, спорт тадбирлари ҳамда бошқа тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишда Марказга ёрдам берсинлар.

7. Марказ Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 45-ўйда ижара ҳақи “ноль ставка” бўйича жойлаштирилсин.

8. Молия вазирлиги:

2018 йилда Қўмитага Марказ жойлашадиган бино қисmini муқаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида;

Марказга ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш учун Ташқи ишлар вазирлиги ходимлари учун белгиланган нормативларга мувофиқ зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

9. Тошкент шаҳар ҳокимлиги икки ҳафта муддатда Марказнинг зарур замонавий компьютерлар, ташкилий

техника, мебель ва анжомлар билан жиҳозланишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Марказнинг телефон алоқаси ва интернет тармоғига уланишини ўрнатилган тартибда таъминласин.

11. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона билан биргаликда Миллий кутубхонанинг ахборот-кутубхона фондига ҳамда чет эллардаги лицензияланган етакчи ахборот-кутубхона ресурсларининг фондларига доимий электрон боғланишини таъминласин.

12. “Ўзавтосаноат” АЖга “Ласетти” русумли 1 дона янги автотранспорт воситасини Марказга хайрия ионаси сифатида топшириш тавсия қилинсин.

13. Адлия вазирлиги бир ҳафта муддатда Марказ қонунчиликда ўрнатилган тартибда давлат рўйхатиға олинишини таъминласин.

14. Ташқи ишлар вазирлиги Марказнинг буюртманомаларига биноан, Марказ томонидан ўтказиладиган тадбирларга жалб этиладиган хорижий мутахассисларга кириш визалари консуллик ййимлари ундирилмаган ҳолда расмийлаштирилишини таъминласин.

15. Ички ишлар вазирлиги Марказ буюртманомаларига биноан, Марказда ишлаш учун жалб этиладиган хорижий мутахассисларга визалар муддати узайтирилишини, шунингдек, улар вақтинча яшайдиган жойда вақтинчалик рўйхатга олиш ва унинг муддатини узайтиришини давлат божи ундирилмасдан белгиланган тартибда таъминласин.

16. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Марказ фаолиятининг мақсад ва вазифаларини аҳоли ўртасида, шу жумладан, босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида, жумладан, интернет тармоғида кенг ёритилишини таъминласин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ҳавфсизлик кенгаши котиби В. В. Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси	Ш. МИРЗИЁЕВ
Президенти	
	
Тошкент шаҳри, 2018 йил 26 июнь	

АҲОЛИ МУАММОЛАРИНИ
ҲАЛ ЭТИШ, ТУРМУШ ШАРОИТИ
ВА ҲАЁТ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ –
БОШ МАҚСАДИМИЗ

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қатор ҳудудларда уй-жойларни таъмирлаш ишлари хануз талаб даражасида ташкил этилмаган. Мисол учун, 54 қишлоқдаги жами 14 минг-та уй-жойни таъмирлаш ишлари бошланмаган. Қишлоқ жойлардаги кўп қаватли уйлارни таъмирлаш ишлари талаб даражасида эмас.

Йиғилишда дастур доирасида аҳолининг ичимлик суви таъмино-тини яхшилаш борасидаги ишлар-ни тақомиллаштириш зарурилиги таъкидланиб, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида сув тармоқларини қуриш ишларини жаддалаштириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Ўтказилган таҳлиллар қишлоқлар-да сизот сувлар сатҳини пасайти-риш борасидаги ишлар талаб да-ражасида ташкил этилмаганини кўрсатимоқда. Сизот сувлар сатҳини пасайтириш учун 2,2 минг километр мелiorация тармоқларини таъмир-лаш ва тиклаш талаб этилади. Бироқ бугунги кунда атиги 220 ки-лометр коллектор-дренаж тизими-да ишлар бажарилган.

Давлатимиз раҳбари икки ҳафта муддатда қишлоқларда ирригация ва коллектор-дренаж тармоқлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари-ни ишлаб чиқишни яқунлаб, ишлар-ни бошлаш бўйича мутасаддиларга топшириқ берди.

Йиғилишда 73 қишлоқда 455 ки-лометр электр тармоқларини ҳамда 40 аҳоли пунктида 76 километр газ таъминотини таъмирлаш ишлари халигача бошланмагани алоҳида кўрсатиб ўтилди. “Ўзбекэнерго” АЖ раҳбариятига бу қолқипки тезда бартараф этиш, маҳаллий ҳокимлик-лар билан бирга икки ҳафта муд-датда ушбу қишлоқларда электр энергияси тармоқларини таъмирлаш ишларини бошлаш вазифаси топширилди.

Шунингдек, чекка ҳудудларга суъюлтирилган газ баллонлари етказиб бериш бўйича кунлик график ишлаб чиқиб, ижросини таъминлаш, дастурга қиритилган қишлоқлар ва уларга туташ ҳудуд-ларда автомобиль йўлларини таъмирлашни кузга қадар яқунлаш зарурилиги таъкидланди.

Йиғилишда яна бир муҳим ма-салага эътибор қаратилди. Дастур-га қиритилган қишлоқларда ижти-моий соҳа объектларини қуриш ва таъмирлаш ишлари орқада қолмоқ-да. Жумладан, 318 мактаб бўйича лойиҳа-смета ишлари яқунланмаган. 109 оилавий поликлиникани таъмир-лаш бўйича тармоқ жадваллари ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни жа-даллаштириш зарур. Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё вилоятларида тиббиёт муассасаларини таъмирлаш ишлари чектирилмоқда. Мактаб-гача таълим муассасаларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари фақат Бухоро, Жиззах, Навоий ва Тошкент вилоятларида ўз муддатида бажарилмоқда.

Қишлоқ жойларда замонавий савдо нуқталари ҳамда майишй хиз-мат кўрсатиш мажмуаларни барпо этиш қишлоқ аҳолиси турмуш шaroити яхшиланишида муҳим самара беради. Бундан 2 ой олдин ўтказилган йиғилишда қишлоқлар-да 368 савдо комплекси қуриш бўйича топшириқ берилган эди. Аини кунда уларнинг 52 тасини қуриш бошланган, 36 тасига ер ажратилган, 66 таси реконструкция қилинмоқда.

Йиғилишда 214 супермаркет типидаги савдо комплексларини қуриш, қишлоқларда майишй хизмат кўрсатиш мажмуалари ва ҳаммом-ларни намунавий лойиҳалар асоси-да барпо этиш учун бўш турган бино-иштиотларни тадбиркорларга бериш чораларини қўриш зарурли-ги қайд этилди.

Айни кунларда мамлакатимиз-нинг барча вилоятларида қурилиш ободонлаштириш ишлари жадал олиб бoрилмоқда. Йиғилишда ҳудудларга қурилиш материалари-ни узулқисз ва етарли миқдорда ет-казиб бериш, қишлоқларда шундай махсулотлар дўконлари очиш зарур-лиги таъкидланди. Бу белгиланган тадбирларнинг сифати ва мудда-тида бажарилишини таъминлаб, қурилиш ишлари нархи ошиб кетишининг олдини олади.

Маълумки, Президентимиз шу йил 1 июнь кuni Чилонзор тумани-даги Хирмонтепа ва Тирсақобод маҳаллаларида бўлганда “Обод маҳалла” дастури лойиҳасини

берадиган, умум фойдаланувдаги офисга қиёслаш ҳам мумкин.

Дарвоқе, яна бир янгилик. Эндиликда республикаимизнинг ҳар бир туманида Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш комиссиялари фаолият кўрсатади. Комис-сияларнинг раҳбарлари туман прокурори ҳисобланиб, туманлар ҳокимларининг ҳамда ички ишлар идораларининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосарлари ҳамда ёшлар иттифоқи бўлиmlалари раҳбарлари унга аъзо саналади.

Мухтасар айтганда, қабул қилинган ҳужжатнинг асосий мақсади ёшларга, тайёр балиқ беришни эмас, балки балиқ тутадиган, лозим бўлганда, қармоқниям қўққўлаб тутқазадиган иш тутумини жо-рий этишдан иборатдир. “Билмайдими ўргатамиз, хоҳиши бoрми шарoит ярат-миз, хоҳиши ҳам, уқув ҳам бор, лекин сар-моси етмагачини, униям берамиз” қаби-лидаги янги тартиб бoри қилинмоқда.

Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мултимедиа маркази материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.



Ёшлар келажаги ва бандлигини
таъминлашга дахлдор лойиҳа

Жорий йилнинг 1 июлидан эътиборан мамлакатимиз микёсида “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури амалиётга татбиқ этилади. Гап шундаки, Президентимиз ушбу Дастурни жорий этишдан қўзланган мақсад, унинг аҳамияти ва мақсадиға оид яна бир тарихий ҳужжатға – “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида”ги Фармонға имзо чекди.

Ёшлиқни инсон ҳаётининг пойдевори-ға қиёслашади. Пойдеворнинг мустаҳкам-лиги, тўғри қўйилганлиги эса ҳаёт йўли ва умр мазмунини белгилайди, том маънода бутун бошли мамлакат келажа-гини ифодалайди.

Фармон — келажагимиз эгалари бўлмиш ёш авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашға оид комплекс чора-тадбирларни қамраб олгани билан гоятда муҳимдир.

Очигини айтиш керак, ҳудудлардаги ай-

рим мансабдорлар йиллар давомида ёшлар тақдирига панжа орасидан, бепи-санд қараб келди. Мазкур Фармон ҳақиқий маънода қуруқ гаплардан амалий ишға ўтиш жараёнининг муҳим одими, дастуриламали, дейиш мумкин.

— Мамлакатимиз аҳолиси сонининг 60 фоизини ёшлар ташкил этишини ино-батта оладиган бўлсак, ушбу Фармоннинг аҳамиятини тасаввур қилиш қийин эмас,

— дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши бўлим мудри Феруз

Абляров. — Бугунги кунда 105 мингдан ортиқ ёш тадбиркорлар фаолият юрит-моқда. Албатта, бу кўрсаткич жуда ҳам кам. Мазкур ҳужжат ёш тадбиркорлар со-нини янада қўлайитириш билан бирга, уларни қийнаётган муаммоларига ечим топишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ҳужжат ўз мазмунига кўра, кенг қам-ровға эға. Аввало, унда Давлат дастури амалда жорий этилиши билан бир вақт-нинг ўзида, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузурида “Yoshlar — kelajagimiz” жамғар-

маси ҳамда унинг туман ва шаҳар фили-алларини ташкил этишнн назарда тута-ди. Жамғарма маблағларининг қаерға ва қандай мақсадларға йўналтирилиши ҳам иппдан игнасигача, ҳар бир вилoятнинг ҳар бир туманига қай миқдорда ажрати-лиши ҳам аниқ кўрсатиб ўтилган.

Жумладан, ёшларнинг бизнес ташаб-буслари, стартаплари, гоғлари ва лойиҳалари учун — тижорат банклари ор-қали 7 фоизлик имтиёзли кредитлар ва мол-мулкларни лизинг асосида тақдим этиш, Давлат дастури ижроси бўйича оли-надиган кредитлар учун гаров ва қафил-лик тарикасида қатнашиш, тадбиркорлик лойиҳаларида умумий қиймати 50 фоиз-гача миқдорда Жамғарма улushi ҳисoб-дан иштирок этиш орқали ёш тадбиркор-ларни қўллаб-қувватлаш, соҳада малака

ҳосил қилган, лекин маблаг ва иши бўлма-ган ёшларға 20 донагача парранда ҳамда қувён, 5 та майда ва 2 та йирик қорамол сотиб олишға — кейинчалик пулнинг фақат ўзини қайтариш шарти билан маблаг ажратиш қаби мақсадларға сарфланади.

Бу эса ёшларнинг ўз бизнесини бошлашларида банк кредити учун қафиллик ёки гаров билан таъминланма-ганлик муаммоларини ҳал этишда муҳим ўрин тутайди.

Эътиборлиси, Дастур ижроси бўйича юртимизнинг ҳар бир туманида жаҳоннинг ҳеч бир ерида ўхшаси бўлмаган “Yoshlar mehnat guzari” ташкил қилинади. Замонавий шарт-шaroит ва қулайликлар-ға эға “Yosh taдбирkorlar” коворкинг-марказлари қурилади. Уни содда қилиб, билмаса ўргатадиган, билса кўмак

Ў.А.

ЯХШИСИНИ ОШИРИБ, ЁМОНИНИ ЯШИРИБ ЯШАШДАН КИМ МАНФААТДОР?

Ёхуд бепарволик ва лоқайдликнинг нохуш оқибатлари хусусида.

Халқ билан давлат ўртасида ишончли кўприк бўлиш — одамларнинг ўз ҳаётидан рози бўлиб яшашларига, аввало, кимлар масъул? “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган ҳаётий ғоянинг изчил амалга оширилишини таъминлашда нима муҳим?!

Бугун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари халқ билан давлат ўртасида фидойи, кайвони бўлиб, халқ дардини билиб, шифосини айтиб туриши керакми ёки йўқми? Табиий-ки, ушбу тўзилма фаоллари аҳоли ҳаёти, турмуш даражасини, ҳудуддаги вазиятни, оилалардаги муҳитни, кўйингки, ҳар бир инсонни ўйлантираётган муаммоларни беш қўлдек билишлари лозим.

«ОБОД МАҲАЛЛА» ДАСТУРИ

Аммо кундалик ҳаётимизда аслида ҳам шундаймикин? Айни пайтда маҳаллалар одамларнинг қувончу таъвишига шерик бўлишга ҳаракат қилляпти? Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, умуман, маҳалладошларини қўйнаётган масалаларни ҳал этишда нималярни қўйиллатмокда?!

Келинг, яхшиси ўзимизни, сизни ҳам қўйнамасдан шу каби саволларга жавобни пойтахтимизнинг Сергели туманидаги “Қипчоқ” маҳалла фуқаролар йиғини фаолияти мисолида излаб кўрайлик.

Айни пайтда 4 минг 300 нафардан ортқ аҳолига эга мазкур маҳаллани “намунали”, дейишса, бунга қабул қилиш мушкул. Сабаби, бу ерда узок йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар қалашиб ётибди. Маҳалладаги 14 та кўп қаватли тураржой ҳамда 98 та ер участкасида 1236 та хонадон кун кечиряпти. Афсуски, уларни ҳузур қилиб яшяптилар, дея олмаймиз.

Кўп қаватли уйларнинг тўққизтасида вазият нихоятда ачинарли. Томларни ёпиш, йўлакларни таъмирлаш, лотокларни тозалаш ва янгисига алмаштириш, ички йўлларни асфальт қилиш, тўпналиб қолган чиқиндиларни белгиланган жойларга олиб чиқиб кетиш ҳамда бошқа ишлар ўлда-жўлда. Болалар майдончалари хусусида айтмаса ҳам бўлар. Болақайларнинг ҳафсаласи пир. Катталар эса уларни эшитмаяпти.

— Уйимиз олдида болалар майдончаси йўқ, бу бўйича тегишли идораларга бир неча маротаба мурожаат билан чиқдик, — дейди 14-ўйда истикомат қилувчи Раъно Миртожиева. — Лекин арзимиз ижобий ҳал бўлмаяпти. Қарагимиз, соғлом авлодни тарбиялаш ҳақида радио-телевидение орқали гапирганимиз гапирган, газеталарда сўз айтиб тинмаймиз. Гўёки, барча эътироз тўғри, дейди-ю,



яшаш манзилига келганда юзини ўгириб кетади. Ахир фарзандларимизни спортга жалб қилиш, жисмонан бақувват бўлиб ўлғайишида ҳар битта майдончанинг аҳамияти каттагина-ку!

Маҳалла аҳолиси бу ҳолдан хафа, албатта. Худуддаги кўп қаватли уйлар олдидаги айрим болалар майдончаси номигагина ташкил этилган, баъзиларидаги аҳвол кишини ташвишга солади. Ҳатто қайсидир майдонча ўрнига ўзбошимчилик билан автотураргоҳ қўрилганини кўриб, ёқа ушлайсан киши. Бундай бефарқликни изоҳлолмай қийналасан. Мавжуд манзарадан маҳалла фаоллари, қолаверса, тегишли ташкилотлар хабардор-у, аммо мутлақо лоқайд эканликларидан ранжийсан.

Аҳолини қийнаб келаятган муаммо фақат шунга эмас — қа-на-ли-за-ция! Айниқса, 9-уй ертўласига кирсангиз бас, нафас бўғилади. Совуқ сув қувурларининг чириб, яроқсиз аҳолига келиб қолгани тўфайли қарийб 20 сантиметр балан-

лиқда сув босган, бижғиган оқовадаги ҳашаротлар, кечирасиз — антисанитария...

— Мана бу қувурлардан фойдаланилаётганига салкам 40 йил бўлди, — дейди ушбу уйга бириктирилган “Файзобод-1” хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Аловуддин Шарофиддинов. — Уни таъмирлашга ҳаракат қиляпмиз. Лекин “Эскисини таъмирлашга, эсинг кетади”, деганларидек, уларни алмаштириш чораларини кўриш керак. Шу йил сентябрь ойига қадар 9, 13 ҳамда 17-уйнинг том қисми ёпилиб, канализация тизимлари, совуқ сув, иссиқ сув йўналишлари тизими яхшиланади.

ларидан бири. Мана шу жиҳатлар бизнинг уйимизга нисбатан ҳам эътиборга олинса, айни муддао бўларди.

Маҳалла ҳудудини айлансангиз, муаммолар тўпналиб, тошдевор ҳосил қилгандек туюлади. Мисол учун, айрим уйлар атрофи чиқинди-хона. Ахлат уюми сочилиб ётибди. Шундай жойнинг устидан чиқсангиз, никоб қидириб қолишнингиз ҳеч гап эмас.

— Худудни тоза сақлаш маҳалла фаоллари, уй бошлиқларининг асосий вазифаларидан бири, — дейди “Қипчоқ” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эркин Турсунбоев. — Атрофда чиқиндилар уюми пайдо бўлдим, бунда бизнинг ҳам айбимиз бор. Ҳар доим маҳаллани айланиб, дуч келган жойни ахлатхона қилмаслик бўйича тушунтириш ишларини олиб борамиз. Бироқ бунга кимдир рияз қилади, яна кимдир эса йўқ. Аҳоли сони кўп бўлган ушбу маҳаллада, бор-йўғи, учтагина чиқинди-хона мавжудлиги ҳам мана шундай хунук манзарани “чиғиб” беряпти.

Аслида, озодалик, айниқса, яшаб турган жойини тоза сақлаш инсонга хос фазилат. Борди-ю, акси бўлса, унинг қиссини келтиришга ҳожат йўқ. Зотан, поклик, озодалик — фуқароларнинг шаъни, маданиятининг даражасини белгилайди.

— Маҳалладаги ободончилик ишларига фуқаролар йиғини билан бир-

Кўп қаватли уйларнинг тўққизтасида вазият, очиги, оғир. Томларни ёпиш, йўлакларни таъмирлаш, лотокларни тозалаш ва янгисига алмаштириш, ички йўлларни асфальт қилиш, тўпналиб қолган чиқиндиларни белгиланган жойларга олиб чиқиб кетиш ҳамда бошқа ишлар ўлда-жўлда. Болалар майдончалари хусусида айтмаса ҳам бўлар. Болақайларнинг ҳафсаласи пир. Катталар эса уларни эшитмаяпти.

— Ертўлада сувнинг тўпланиши атрофда нафақат бадбўй ҳид тарқатади, балки аҳоли саломатлигига ҳам зийн, — дейди 9-ўйда яшовчи Дилафруз Эшқобилова. — Бунчи бошича тушганлар яхшироқ билади. Устига-устак, болалар майдончаси ҳам йўқ, йўлакларимиз таъмирталаб. Ҳозир кўплаб уйлар темир эшикларига домофон ўрнатилмокда. Бу ҳам давр, ҳам “хавфсиз шахар” талаб-

АКТ ва тиббий хизмат

Пойтахтимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмиталари томонидан “Аҳолига тиббий хизматларни кўрсатиш жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ҳолати ва истиқболлари” мавзусида конференция ўтказилди.

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Унда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш орқали аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини юксалтириш ҳамда ушбу соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишининг замонавий усулларини жорий этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Анжуманда “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунинг Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими муассасаларида ижро этилиши ҳолатини ўрганиш бўйича назорат-таҳлил фаолияти якунларига алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда фуқаролар соғлиқни сақлаш ва тиббиёт соҳасининг ишлаб чиқариш жараёнларини ахборотлаштиришга оид муҳим лойиҳалар рўёбга чиқарилмокда.

Хусусан, “МЕДКАРТА” ААТ Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг тиббий қарталарини бошқариш”, идораларора “Ижтимоий хизмат ва ёрдам олувчи кек-

салар ҳамда ногиронлиги бор шахсларни ҳисобга олиш, шунингдек, ижтимоий ҳимоя соҳасида аҳолига интерактив давлат хизматларини кўрсатишни ташкил этиш”, “Давлат тиббиёт муассасаларида ҳамда ижтимоий дорихоналарда тиббиётга мўлжалланган дори воситалари ва буюмларини ҳисобга олиш”нинг автоматлаштирилган тизимини яратиш лойиҳалари ана шулар жумласидандир.

Айни пайтда мамлакатимизда Ягона тиббий ахборот маркази ҳамда “Ақли тиббиёт” тизимини жорий қилиш ишлари бошланган. Бу тиббий хизмат сифатини яхшилаш, касалликларни олдиндан аниқлаш даражасини ошириш ва уларни масофадан профилактикаlashиш жорий қилиш учун қўшмча имкониятлар яратди.

Тадбирда тизимда эришилган ютуқлар билан бирга, айрим муаммолар ҳам кўзга ташланаётгани таъкидланди. Жумладан, соҳа амалиётида “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонун ижроси талаб даражасида эмас. Тиббиётга

чи ҳар бир одам унинг тозаллигига жиддий эътибор қаратса, шунга яраша масъул идоралар томонидан вазифалар сидқиқидан, виждонан ба-жарилса, бу борадаги муаммолар барҳам топади. Жорий йил июнь ойидан шу маҳалладаги, қондонлардаги аҳволни ўрганиб, пойтахтимиз маҳаллаларида ҳали ҳал этилиши лозим бўлган масалалар қўпчилигини кўрдим. Ёндиликда қилинадиган ишлар аниқ бўлиши зарур. Тегишли ташкилотлар, масъул идоралар, маҳалла фаоллари ва аҳоли биргаликда бу бўйича саъй-ҳаракатлар олиб бормаса, мақсадга эришиш даргумон.

Ҳақ гап. Аҳоли, айниқса, ёшларни озодаликка ўргатиш, чиқиндиларни белгиланган жойларга ташлаш қўникмаларини шакллантиришга ҳам, таассуфки, зарурат бор.

Узоқ йиллардан буюн ҳовли-жойларда яшовчи фуқароларни канализация тизими мавжуд эмаслиги қийнаб келади. Ички йўллар ҳам ўқир-чўқир. Маҳалла аҳолисининг айтишича, кўп марта тегишли ташкилотларга мурожаатлар йўлланган, бироқ фойдаси бўлмаган.

Кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш, аҳоли пунктларини обод масканларга айлантириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишининг ўтказилиши, қишлоғу маҳаллаларда йиғилиб қолган ана шундай муаммоларни бартараф қилиш, аҳолини йиллар давомида ташвишга солиб келаятган масалаларга ечим топиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берилгани беҳиз эмас.

Умуман, ислохотларнинг энг муҳимларидан бири бўлган ушбу дастурларнинг амалга оширилиши аҳоли турмушидаги муаммоларни ҳал этиш ва ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилади. Қипчоқ маҳалласи ҳам ана шу лойиҳа доирасида янада обод бўлишига, албатта, ишонамиз. Лекин мансабдорлар ҳам, фуқаролар ҳам бир-бирларини эшитиб, иккала томон ҳам ўз масъулиятларини англаб, қонун-қоида, ахлоқ ва маданий қадриятларни қадрлаб, хайрихоҳликда ва ҳамкорликда иш юритса, таъбир жоиз бўлса, “Олам — гулистон!” Зеро, қарс ички қўлдан чиқади. Инсонга, ким бўлишидан қатъи назар, авваламбор, инсоф берсин.

Раҳим ШЕРКУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳосан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Жамиятнинг барча жабҳасини ислоҳ қилиш — устувор вазифа

Бугун Тошкентда Олий Мажлис Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси очилади.

Кун тартибидан жамият ҳаётининг барча соҳасини изчил тараққий эттириш, суд-ҳуқуқ ва иқтисодий соҳалардаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш, хавфсизликни таъминлашга оид бир қатор қонунлар ҳамда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини тубдан қучайтиришга қаратилган муҳим масалалар ўрин олган.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Кеча парламент юқори палатаси қўмиталарининг мажлислари бўлиб ўтди. Уларда ялпи мажлис кун тартибига киритилган долзарб масалалар, чунончи, “Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги (янги тахрир), “Медияция тўғрисида”ги, “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги, “Ўсимликлар қарантини тўғрисида”ги (янги тахрир), “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, икки томонлама ҳамда кўп томонлама халқро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги қонунлар ана бир бор дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Хусусан, Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси мажлисида Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатасининг 2017 йилдаги фаолият тўғрисидаги ҳисобот дастлабки тарзда эшитилди.

Таъкидланганидек, 2017 йилда Хисоб палатаси томонидан 70 га яқин таҳлилий ўрганиш ҳамда назорат тадбирлари ўтказилиб, унинг 49 таси бевосита жойларда, қолгани вазирлик ва идораларда амалга оширилган. 2018 йил Давлат бюджети лойиҳаси ҳамда солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини кўриб чиқишда тақрифлар тайёрланган ва тақдим этилган. Улар асосида бюджет даромадлари прогнози 1,4 триллион сўмга қайта ҳисоб-китоб қилинган. Давлат бюджетининг республика ҳамда маҳаллий даражадаги шаклланиши ва унинг ижроси юзасидан назорат ўрнатилиб, давлат маблағларининг қонуний, мақсадли, самарали сарфланиши бюджетдан молиялаштирилувчи вазирлик ҳамда идоралар мисолида ўрганиб чиқилган. Назорат тадбирлари натижасида жами 37 миллиард сўмлик ва 7 миллион долларлик ноқонуний ва самарасиз харажатлар ҳамда 270 миллиард сўмлик қўшимча даромад манбалари аниқланган.

Сенаторлар ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг, Президент топшириқларининг ижроси устидан назоратни янада қучайтириш, жойлардаги секторлар раҳбарларининг иш фаолиятига баҳо бериш юзасидан тегишли чоралар қўриш зарурлигини таъкидладилар.

Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлис доирасида “Миллий армияни салоҳиятли кадрлар билан таъминлашга янгича ёндашувлар: амалиёт, муаммолар ва уларнинг ечими” мавзусида давра суҳбати ўтказди. Долзарб масалалар муҳокамасида Мудофаа, Ички ишлар, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари мутасаддилари, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши, “Ватанпарвар” ташкилоти Марказий кенгаши, Қуролли Кучлар академияси, Ёшлар иттифоқи, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вакиллари ҳамда журналистлар қатнашди.

Айтиб ўтилганидек, бугунги кунда умумтаълим мактабларидаги 284 минг нафардан зиёд ўқувчиларга қақирувга қадар бошланғич таъғарлиқ фани ўқитиб келинмокда. Президентимизнинг 2017 йил 24 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучларини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш вазифаларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори билан мамлакатимизда 29 та таълим муассасаси зиммасига олий ҳарбий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни тайёрлаш бўйича қўшимча вазифалар юклатилди. Ҳарбий таъғарлиқ ишларини самарали ташкил этиш мақсадида уларнинг ҳар бирига ҳарбий қисмлар бириктирилди.

Ҳозирги кунда Қуролли Кучлар Академияси, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртилари, Тошкент ахборот технологиялари универститетининг махсус факультети, Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги ҳарбий тиббиёт факультетида бир қанча йўналиш ҳамда мутахассисликлар бўйича юқори малакали офицер кадрлар тайёрланмокда. Шунингдек, армиянинг асосий таъинчи бўлган сержантлар корпусини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилляпти. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг кичик мутахассисларини тайёрлаш мактабиде 26 та йўналиш ва ихтисослик бўйича ҳарбийлар ўқитилмокда.

Бундан ташқари, Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳамда Ёнғин хавфсизлиги институти ва Миллий гвардия ҳарбий техника институти, Давлат хавфсизлик хизмати институтида ҳам профессионал ҳарбий кадрлар тайёрланмокда. Олий ҳарбий божхона институтига ҳам ҳар йили 125 нафар тингловчи қабул қилинади.

Давра суҳбатиде ҳарбий таълимни ислоҳ этиш, миллий ҳарбий илмий ҳамда педагог, ҳарбий-техник, бошқарув ва муҳандис-техник кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишнинг сифатини юксалтириш каби муҳим масалалар муҳокама қилинди. Қақирувга қадар бошланғич таъғарлиқ фанининг янги дастурлари доирасида таълим муассасаларини дарсликлар, ўқув-методик адабиётлар ва бошқа моддий-техника жиҳозлари билан тўлиқ таъминлаш зарурлиги қайд этилди. Якунда тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Қўмиталар мажлисларида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ва ўн бешинчи ялпи мажлислари оралиғида сенаторларнинг фаолияти ҳамда улар томонидан амалга оширилган ишлар ҳам таҳлил қилинди.

Муҳокама этилган масалалар бўйича қўмиталарнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА.

АДОЛАТ ТАМОЙИЛИ — ОЛИЙ МЕЗОН

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айни пайтда эса уларнинг сони 1500 дан зиёдни ташкил этмокда. Уларнинг 700 га яқини газеталар, 309 таси журнал, 65 та телеканал, 35 радиоканал, 4 ахборот агентлиги, 15 та бюллетень-ахборотнома, қарийб 400 таси веб-сайтлардан иборат. Бугун соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмокда. Бу борада давлатимиз раҳбарининг “Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони, “Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур ҳужжатларда оммавий ахборот воситалари фаолиятини кенг қўллаб-қувватлаш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, газета-журналлар, телерадиоканаллар, ахборот агентликлари ҳамда интернет нашрларида меҳнат қилаётган муаллифларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза этиш, уларни моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш, иш ва турмуш шaroитларини яхшилаш, журналист кадрларнинг профессионал маҳоратини ошириш тизимини такомиллаштириш қайд этилган. Шунингдек, журналист кадр-

лар тайёрлаш сифатини ошириш, уларга замонавий талаблар ҳамда ахборот-коммуникация технологияларининг энг сўнгги ютуқлари асосида сабоқ бериш мақсадида Президентимизнинг 2018 йил 25 майдаги қарори билан Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ташкил этилди.

Тантанеда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Саъдулла Ҳакимов ва бошқалар мамлакатимизда миллий медиа соҳасини раванак топтириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, матбуотни чинакам эркин фикр минбарига айлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бинобарин, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида давлат ҳамда жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун кенг шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизациялашнинг истиқболлари белгилаб берилган.

Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилаётган “Олтин қалам” Миллий мукофоти учун халқро танлов, “Йилнинг энг фаол журналисти” республика кўрик-танловининг голиб ҳамда совриндорлари тақдирланди.

Максуд ЖОНИХОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 645. 115 730 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетимиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

